

# ПАХТА ДАСТЛАБКИ ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНИДА ЧИҚАЁТГАН ТОЛАЛИ ЧИҚИНДИЛАР ВА ИФЛОСЛИКЛАР ТАРКИБИ

*т.ф.ф.н. (PhD.), катта ўқитувчи **О.А. Салимов***

*талаба, **Ҳ.А. Иброхимова***

*талаба, **З.М. Салимова***

*Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти*

Ушбу мақолада пахта тозалаш корхоналари технологик жараёнида чиқаётган чангнинг таркиби ўрганиш бўйича маълумотлар келтирилган.

В данной статье представлена информация по изучению состава пыли, выбрасываемой в ходе технологического процесса хлопкоочистительных предприятий.

This article presents information on the study of the composition of dust emitted during the technological process of cotton ginning enterprises.

Пахта тозалаш корхоналарида ҳаво таркибидаги ишлаб чиқариш чанглари ва уларнинг таркибидаги заҳарли моддалар инсон организмига салбий таъсир қиласиди [1].

Шунинг учун чангнинг турлари ва таркибини ўрганиш, ҳамда чангни тозалаш масалалари долзарб ҳисобланади.

Маълумки, ҳар қандай модда ва жисмларнинг ҳавода муаллақ ҳолда учиб юрган майда заррачалари чанг деб айтилади. Ҳавода учиб юрган чанг аэрозол, юзага чўккани эса аэрогел дейилади. Келиб чиқишига қараб улар органик (ўсимлик ва бошқа тирик организмлардан ажралиб чиқадиган) ва ноорганик (турли қаттиқ моддалар, минераллар ва металлардан ажралиб чиқадиган) ҳамда юқоридаги иккисининг қўшилгани - аралаш чангларга бўлинади [2].

Чанг заҳарли ва заҳарсиз бўлиши мумкин. Бу унинг кимёвий таркибига боғлиқ. Заҳарли чанглар кукунсимон пестицидлар, минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий моддалар билан ишлаганда ҳосил бўлади. Бундан ташқари заҳарсиз чанг таркибига турли микроорганизмлар ва микроблардир.

Улчамлари бўйича чанглар куйидаги синфларга ажратилади: кўзга кўринадиган чанглар - ўлчамлари 10 мкм катта; микроскопик чанглар - ўлчамлари 10 - 0,25 мкм; ультрамикроскопик чанглар - ўлчамлари 0,25 мкм дан кичик.

Улчамлари 5 мкм дан кичик бўлган чанг заррачалари ўта хавфли ҳисобланади Улар юқори нафас олиш органларида ушланиб қолмасдан ўпканинг ички қисмига кириб бориб касалликларни келтириб чиқаради. Ишлаб чиқариш хона ҳавосининг чангланиш даражасини баҳолаш учун чангнинг ҳаводаги миқдорини, чангнинг кимёвий таркибини, ва чанг заррачалари шаклини билиш

зарурдир. Илмий изланишнинг мақсадига кўра ҳавонинг чангланишини даражасини гравиметрик (массасини ўлчаш), кониметрик (санаш), оптик электр, фотоэлектрик ва бошқа усуллар билан аниқлаш мумкин.

Пахта тозалаш корхонасида ўтказилган тажрибаларда ҳаводаги чанг миқдорини массасини ўлчаш усулида аниқланди. Бунда кўчма аспирантор билан иш ўрнидаги ҳаво таркибидаги чанг миқдорини маҳсус фильтрлари орқали чангланган ҳавони (аэрозолни) сўриб ўтказишга ва фильтрнинг тажрибадан олдинги ва кейинги массалари фарқи билан аниқланди.

Атмосферага чиқариладиган барча ишланган ҳаво икки турга бўлинади: технологик ва аспирация. Биринчиси - технологик машина-ускуналардан, иккинчиси - чангизлантириш тизимларидан чиқади.

Пахтани дастлабки ишлаш технологик жараёнида технологик машина-ускуналардан корхона худудига ва атмосферага кўп миқдорда чанг (майда ифлос заррачалар) ажralиб чиқади. Бунда чиқадиган чанг асосан учта фракциядан минерал, органик ва толали чиқиндилардан иборат бўлади.

Пахта тозалаш корхонасидан чиқаётган чангларни аниқлаш учун технологик жараёнларидан чиқаётган чиқиндиларни фракцион таркибини ўрганилди.

Бунинг учун қуритиш ва тозалаш цехларидан чиқаётган чиқиндилар ҳар бир технологик жараёндан чанг ушлагичларга кираётган чангни фракцияларга ажратиб, уни ташкил этувчилари таҳлил қилинди. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.


#### 1-жадвал

Пахта тозалаш корхонаси технологик жараёнларидан чиқаётган чиқиндиларни навлар бўйича фракцион таркиби, %

Фракцион таркиби	I	II	III	IV	V
Қуритиш цехидан чиқаётган чиқиндилар					
Минерал	45	47	48	46	44
Органик	34	33	31	35	34


Толали	21	20	21	19	22
<b>Тозалаш цехидан чиқаётган чиқиндиilar</b>					
Минерал	36	39	40	38	41
Органик	36	35	33	34	31
Толали	28	26	27	28	28

Куритиш цехидан чиқаётган чиқиндаларни навлар бўйича фракцион таркиди 1-расмларда келтирилган гистограммада кўрсатилган.



I-минерал чиқиндиilar; II-органик чиқиндиilar; III-толали чиқиндиilar.  
1-расм. Куритиш цехидан чиқаётган чиқиндиilarни фракцион таркиби

Тозалаш цехида пахта навлари бўйича ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатадики, минерал чиқиндиilar 36-41% гача, органик чиқиндиilar 31-36% гача ва толали чиқиндиilar 26-28% ни ташкил қилди (2-расм).



I-минерал чиқиндиilar; II-органик чиқиндиilar; III-толали чиқиндиilar.  
2-расм. Тозалаш цехидан навлар бўйича чиқаётган чиқиндиilarning фракцион таркиби

**Хулоса:** 1.Куритиш цехида чангланганлик даражаси ўртacha 400 дан 600 мг/м ни, лекин түлиқ бўлмаган партияларда 1300-1500 мг/м ни ташкил этди. Бу чангланганлик даражалари пахта навлари бўйича ҳар ҳил бўлишини ва уларнинг таркиби тажрибалар натижасида аниқланди. Унга кўра, минерал чиқиндилар 44-48% гача, органик чиқиндилар 31-36% гача ва толали чиқиндилар 19-22% гача мавжуд эканлигини кўрсатди.

2. Тозалаш цехида пахта турли технологик машина-ускуналарда тозалашда толаларини механик шикастланиши ҳисобига толали чиқиндилар миқдори сезиларли даражада ошмоқда.

#### Адабиётлар:

1. Пахтани дастлабки ишлашнинг мувофиқдаштирилган технологияси. (ПДИ 70-2017), Т.: «Пахтасаноат илмий маркази», 2017
2. Бўриев Р. Жуманиязов Қ. Салимов А. Кушакеев Б. “Меҳнатни мухофаза қилинти ва техника хавфсизлиги”. “Пахта саноат илмий маркази” АЖ. Т.:2015.